



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ
АНДИЖАНСКИЙ ОБЛАСТНОЙ КЕНГАШ НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ**

ҚАРОР - РЕШЕНИЕ

Андижон шаҳри

2018 йил 4 сентябрь

№ 140/36-5

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва
Андижон вилояти ҳокимининг “Андижон шаҳрида жамоат тартибини
таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка
қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича ҳамкорликдаги
вазифалар ҳақида”ги қўшма фармойиши ҳақида**

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши таъкидлайдики, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ҳар томонлама чуқур ўйланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши халқимиз турмуш фаровонлиги ва осойишталикни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил 27 июль куни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларни ижросини таъминлашда Андижон шаҳрида “Хавфсиз шаҳар” концепциясини амалга тадбиқ этиш, бу борада судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли идораларнинг яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ахборот-таҳлил фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда тизимли назоратни ташкиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада халқ депутатлари вилоят, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатларининг ўз сайлов округларида аҳоли ва айниқса ёшлар ўртасида кенг қамровли тушунтириш-тарғибот ишларини амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимининг “Андижон шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича ҳамкорликдаги вазифалар ҳақида”ги қўшма фармойиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.


2. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари раислари (Маматкулов, Абдуллаев, Нурматов, Рахмонова, Отажонов, йиғин-М.Юлдашев), халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши (Раҳматуллаев) биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимининг “Андижон шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича ҳамкорликдаги вазифалар ҳақида”ги қўшма фармойишнинг ижросини ҳар ойда халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашининг сессияларида муҳокама этиб борсинлар.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Эгамбердиев, Холматов, Ҳабибуллаев, Исматуллаев, Юнусова, йиғин-Исмоилов), Андижон шаҳар ҳокимлиги (Раҳматуллаев) билан биргаликда мазкур қўшма фармойишнинг ижросини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, Андижон ҳарбий гарнизони, “Маҳалла” фонди вилоят ва Андижон шаҳар бўлимлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг вилоят ва Андижон шаҳар бўлимлари ҳамда таълим муассасалари билан яқин ҳамкорликда иш ташкил этсинлар.

4. Вилоят телерадиокомпанияси (Каримов), “Андижоннома” ва “Андижансакая правда” газеталари муҳарририяти (Шукуров)ларга мазкур қўшма қарорнинг ижросини бориши ҳақида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси М.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг 36-сессияси раиси**



А.Нурматов